

структураси”, “нутқ қолипи” каби кўпгина атамалар мавжуд:

Мазмунга қизиқиш психик фаолиятни жадаллаштириши, ижобий эмоцияларга замин яратиш ва ўз фикрларини ифодалаш истагини уйғотиши сабабли маънавий муаммоларга тааллуқли бўлган энг муаммоли матнларни танлаш лозим. Бу, энг аввало, ҳозирги вақтда жамият ривожланишининг янги тарихий босқичи ахлоқий меъёрлар ва ахлоқий идеалларни янада чуқурроқ ижтимоий тўлдиришни талаб этиши билан боғлиқ. Таълим тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи педагоглар ҳисобланади, шунинг учун, айнан улар ахлоқий имкониятларни кенгрок амалга ошириш зарур. Тарбиянинг барча турлари инсон шахсини, унинг жисмоний тузилиши ва маънавий олами шакллантиришга бўйсунди. Таълим инсоннинг умумий маданияти билан узвий боғлиқ [6]. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда бадий-этик матнларнинг амалий самарадорлиги ахлоқнинг айнан инсонни юксалтирувчи функцияси инсон омилини субъектив омилнинг энг самарали ифодаси сифатида

ҳаракатга келтиради. Масалан, Алишер Навоий “Ҳайратул - Аброр” (Яхши кишиларнинг ҳайрати.) асарида шундай ёзади: “Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидур. Танида руҳи бор одам доим унга эҳтиёж сезади. Сўз дунёдаги бор барча кўнгилларнинг қутисидоги жавҳар, ҳамманинг оғиз қутисидоги қимматбаҳо гавҳаридир. Агар тил бамисоли бир пўлат ҳанжар бўлса, сўз унга қадалган инжулардир. Тил шу чаманнинг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга қўнган шабнамлардир. Сўз ўлган одамнинг танасига руҳ бағишлайди. Сўздан тандаги тирик руҳ ҳалол бўлиши мумкин.”

Бу матнда сўз орқали инсон ахлоқини юксалтириш масаласи кўтарилган. Шунинг учун ҳам таълим – тарбия жараёнида бу матндан фойдаландиш мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтириб ўтилган бадий – этик матнларни бўлажак ўқитувчилар онгига сингдиришда ва уларда коммуникатив нутқ маданиятини ривожлантиришда хизмат қилади дейиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007.
2. Содиқов Ҳ.М. Педагогик фаолиятнинг муваффақияти педагогларнинг коммуникатив нутқ маданиятига боғлиқлигидир. // Бошланғич таълимнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Жиззах: 2019.
3. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчининг «коммуникатив-нутқ маданияти» тушунчасининг моҳияти ва унинг назарий модели. // ТДПУ Илмий ахборотлари. Илмий журнал. –Тошкент: 2019. №1.
4. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак педагогнинг нутқ маданияти ва унинг назарий модели. // “Тафаккур зиёси”. – Жиззах:, 2019. № 2.
5. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини самарали ривожлантиришга доир дидактик материаллар. // Замонавий узлуксиз таълим сифатини ошириш: инновация ва истикболлар. Халқаро илмий-амалий масофавий конференция. – Тошкент: 2020.
6. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчининг “Коммуникатив-нутқ маданияти” тушунчасининг моҳияти. // Бошланғич таълимда интеграциявий – инновацион ёндашувлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент: 2019. №2.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бадий – этик матнларнинг бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив-нутқ маданиятларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается роль и значение художественно - этических текстов в развитии коммуникативно-речевой культуры будущих педагогов.

SUMMARY

The article discusses the role and importance of literary-ethical texts in the development of communicative speech culture of future teachers.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ - ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИК ТОМОНЛАРИ

Д.Р.Содиқова - ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: илмий дунёқараш, ижодий фикрлаш, тафаккур, ўз-ўзини тарбиялаш, таълим тизими, интеллектуал, билим.

Ключевые слова: научное мировоззрение, творческое мышление, созерцание, самообразование, система образования, интеллектуал, знания.

Key words: scientific outlook, creative thinking, contemplation, self-education, education system, intellectual, knowledge.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жамият ҳаётининг барча деҳқонларида туб ўзгаришларга олиб келмоқда, шунинг билан бирга жамоатчиликнинг ва шахснинг онгига кескин таъсир кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга эътибор қаратишимиз айни муддаодир. “Таълим тўғрисида” ги қонун ва давлат таълим стандартлари таълим мазмунини белгилайди. Барчамиз яхши биламизки бу ягона таълим маконида мавжуд бўлган билим даражасига мос келадиган дунёнинг сурати ҳақида ўқувчининг илмий ғояларини шакллантиришни таъминлаши керак. Замонавий ижтимоий қонунлар ва қарама-қаршиликларни билиш асосида фуқароликни шакллантириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, жамиятнинг кадрлар салоҳиятини такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш асосий мақсадлардан биридир.

Буларнинг барчасининг замирида ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини такомиллаштиришга, уни фойдаллаштиришга, ўқитиш усуллари, илмий

дунёқарашни, ижодий фикрлашни шакллантиришга қаратилган педагогик воситалар мажмуасини кенгрок жорий этишга интилишини юзага келтириши айни муддаодир. Шахснинг ижодий тафаккурини ривожлантириш унинг мақсадли фаолияти жараёнида амалга оширилади [5]. Бусиз илмий билимларни чуқур ўзлаштириш ҳам, улардан амалиётда мустақил фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш ҳам мумкин эмас. Барчамиз яхши билишимиз лозимки, фақат билимли бўлишнинг ўзи ёшларнинг мустақил ҳаётга қўшилиши учун етарли асос бўла олмайди.

Бизнинг дунёни, унинг сир-асрорларини тушунишимизнинг заминидан нарс ва ҳодисаларнинг биз учун шахсий алоқаси, аҳамиятлилиги даражаси ётади. Ана шундай дунёни тушунишимиз, англашимиз ва унга онгли муносабатимизни билдириб, изҳор қилишимизга алоқадор билиш жараёни эса психологияда тафаккур, фикрлаш деб аталади. Тафаккур - инсон онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарс ва ҳодисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг

бўлишини таъминловчи умумлашган ва мавхумлашган акс эттириш шаклидир [1].

Тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг нақадар мураккаб табиатга эга эканлигидан далолат беради. Лекин шундай бўлса ҳам шуни таъкидлаш жоизки,

- биринчидан, тафаккур ва фикрлаш жараёнлари - бу билиш жараёнлари;

- иккинчидан, улар ҳам шахс томонидан борлиқни умумлаштириб, билвосита акс эттириш шакли;

- учинчидан, бу жараёнлар ҳам экспериментал психология томонидан ўрганилади;

- тўртинчидан, тафаккур билишнинг энг олий ва юқори даражадаги шаклидир.

Тафаккур - бу ўз махсулоти билан воқеликни умумлаштириб, бевосита акс эттиришни характерлайдиган, умумлаштириш даражаси ва фойдаланадиган воситаларига ҳамда умумлашмалар янгилигига боғлиқ равишда турларга ажратишдан иборат жараён, билиш фаолиятидир.

Ҳар бир шахс ўзидаги тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг ўзига хос томонини билган ҳолда уни ўстириш йўллари билиши керак. Шахс ўз фикрини баён этиши, бошқаларни тушунишида тафаккур муҳим аҳамият касб этади [2].

Ижодий тафаккур эса фаолият жараёнида шаклланади ва ривожланади. Ижодий фикрлашни ривожлантириш учун болани ёшлигидан унинг ёшига мос келадиган фаолиятга ўргатиш керак. Мактабгача ёшдаги болалар ижодий фикрлашини ривожлантириш учун у ёки бу фаолиятга киритилган. Ижодий фикрлаш интеллектуал ва ақлий кучларни фаоллаштириш, таълим фаолияти орқали бойитилади. Бошланғич мактаб ёшидаги асосий ақлий жараён фикрлаш бўлса, болаларда оддийдан мураккабга ҳаракат мажбурлаш орқали содир бўлади. Талабалар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни ижтимоий тажрибани шахсий тажриба билан бирлаштириш, ҳар бир янги фактда субъектив ва амалий қисмни топиш билан боғлиқдир [4]. Бошланғич синф ўқитувчиси нафақат ёшнинг хусусиятларига, балки кичик ёшдаги

ўқувчиларда пайдо буладиган, онгли ва ихтиёрий ҳатти-ҳаракатларга ўтиш, ўзини намоён қиладиган ички ҳаракат ва фикрлаш доираларига ҳам эътибор бериши керак. Ижодий фикрлаш ўқувчиларни фаол ижодий фикрлашга, мослашувчанликка, тезкорликка ва ўзига хосликка ундайдиган усуллардан фойдаланган ҳолда бошланғич мактабда аллақачон ривожлана бошлаши керак [2]. Ушбу турдаги фикрлаш, агар ўқувчилар муаммоли топширикни ҳал қилишда, ечим шаблонлари мавжуд бўлмаган ўрганиш қийинчиликларига дуч келсагина ривожланади [5]. Олий таълим тизими танқидий фикрлашни ривожлантириш, талабани ҳаётий муаммоларни ҳал қилишнинг ижодий усуллари ўзлаштиришга, ўз-ўзини тарбиялашга йўналтириш учун мўлжалланган. Ҳозирги вақтда педагогика фани талабаларнинг билим олиш, биргаликда қарор қабул қилишда иштирок этиш, аргумент ва далиллар мантиқийлигини ривожлантириш кўникмаларини ошириш муаммосини долзарблаштирмоқда [6]. Инсон нафақат ўз тафаккурини бошқанинг фикрлашига мослаштириши, балки бир вақтнинг ўзида унинг аниқлиги ва пухталигини ҳам сақлаб туриши керак. Илгари таълим тизими ўқувчиларни тафаккурнинг бундай динамик ўзгаришига тайёрламаган эди. Асосан, у табиатда репродуктив бўлган битта "умумий" йўналишга амал қилиб келганлигини кўришимиз мумкин. Бирок, бугунги кунда танқидий фикрлайдиган одам, ўрнатилган фикр ва мулоҳазаларни шубҳа остига олишни биладиган, суҳбатни ўтказишга, муаммонинг моҳиятини ва уни ҳал қилишнинг муқобил усуллари аниқлашдан иборат бўлиб бораётганлигини бемалол айта олишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ижодкорлик – том маънода янгисини яратиш демакдир. Шундай экан, узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи – ёшларда ижодкорлик, ижодий фикрлаш тафаккурини шакллантириш орқали уларда мавхум фикрлаш, бадиий ва амалий фаолият соҳасида уларнинг онгида маълумотларини такрор ишлаб чиқаришда катта ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Салахутдинова М. Ижод психологияси. - Самарканд: СамДУ, 2005.
2. Клег Б. Интенсивный курс по развитию творческого мышления. - М.: ООО «Астрель», 2004.
3. Содикова Д.Р. Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда буюк сиймолар фаолиятдан фойдаланиш. // "Илм сарчашмаси". 2020 № 3.
4. Содикова Д. Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришнинг назарий-педагогик асослари. // "Педагогика ва психологияла инновациялар". 2020 № 2.
5. Sodikova D. Specific benefits of developing creative thinking relationships in students. *Thematics Journal of Social Sciences*. 7(3). 2021.
6. Sodikova D. Formation of creative relationship through students using the creativity of eastern thinkers. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2020 №1, 104-110.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи ёшларнинг ижодий фикрлаш тафаккурини ривожлантиришнинг ўзига хос томонлари кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещаются специфические аспекты развития творческого мышления младших школьников в процессе дополнительного образования.

SUMMARY

This article highlights the specific aspects of the development of creative thinking of younger students in the process of additional education.

ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ ФАНИ МАВЗУЛАРИНИ ПОРТФОЛИО АСОСИДА ЁРИТИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАНИ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

С.М.Тошбоев – ўқитувчи

Наманган давлат университети

Таянч сўзлар: портфолио, тематик портфолио, инновацион усул, назорат қилиш ва баҳолаш портфолиоси, баҳолаш мезонлари, баҳолаш усуллари, ҳисоблаш усуллари, ихтисослик фанлар блоги.

Ключевые слова: портфолио, тематическое портфолио, инновационный метод, контрольно-оценочное портфолио, критерии оценивания, методы оценивания, методы вычисления, научный блог по специальности.

Key words: portfolio, thematic portfolio, innovative method, control and evaluation portfolio, evaluation criteria, evaluation methods, calculation methods, scientific blog in the specialty.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий

фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни